

Танловга қатнашиш учун чақирув таклифи

Лойиҳалаш ва тадқиқот ишларини бажариш ва ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун "ОТБ иштирокидаги "Ўзор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" А-380 автомобил йўлининг "964-1204 км (240 км) қисмини реконструкция қилиш" лойиҳаси доирасида Жамиятни ривожлантириш марказлари қурилиши" – объекти бўйича

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитаси Осиё тараққиёт банки (ОТБ) томонидан молиялаштирилган гендер ва ижтимоий соҳаларни ўз ичига олган қатор йўл лойиҳаларини амалга оширмақда. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "А-380 "Ўзор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобил йўлининг 964-1204 км қисмини реконструкция қилиш" лойиҳаси доирасида лойиҳанинг ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосларига кўра Қорақалпоғистон ва Жаслик шаҳарчаларида 2 та Жамиятни ривожлантириш маркази биноси ҳамда қурилиш пакети доирасида қуриладиган қисқа муддатли дам олиш масканларида 5 та савдо расталари қурилишининг лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш ва ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқлар ишлаб чиқилди.

Лойиҳа ташкилоти Осиё тараққиёт банкининг тартиб-таомилларига мувофиқ танлаб олинади.

Қизиқиш билдирган ташкилотлар, хизмат кўрсатиш учун керакли малака ва мувофиқлик кўникмаларига ега бўлганлиги тўғрисида маълумотларни тақдим этишлари зарур бўлади.

Тўлиқ маълумот ва техник топшириқни ОТБ ССРН www.csrn.adb.org веб-сайтидан олиш мумкин.

Қизиқиш билдиришномалари 15.07.2022 йилгача ОТБ ССРН www.csrn.adb.org сайти орқали юборилиши керак.

Қўшимча маълумотни пастда кўрсатилган манзил бўйича олиш мумкин:

Автомобил йўллари қўмитаси

Мустақиллик Шох Кўчаси, 68а, 611-хона.

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

Электрон Почта: mff-pmu-240@mail.ru